

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 191 (10.496)

2005 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
сатрларда

● **РЕСПУБЛИКА** «Маҳалла» жағғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси, Юнусобод туман ҳокимлиги, «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида «Мустақиллик ва маҳалла» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● **УЧТЕПА** туманидаги 312-мактабда «Тўрт қарра йўқ» акцияси доирасида бўлиб ўтган тадбир «Соғлом турмуш тарзи-саломатлик гарови» деб номланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Туркистон» ва «Қушбеги» маҳаллаларида бўлиб ўтган тадбир «Оғолик-давр талаби» мавзусига бағишланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Усмон Юсупов маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг шаҳар ва туман бўлимлари ҳамда Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жағғармаси ҳамкорлигида кийиниш ва сузлашиш маданиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Туркистон» маҳалласида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир тадбиркорликни ривожлантириш, шахримизни ободонлаштириш, ёшларни кузги чакриқчага тайёрлаш масалаларига бағишланди.

● **МИРОБОД** туманидаги «Янги Миробод» маҳалласида бўлиб ўтган тадбир «Солиқларнинг аҳамияти ва моҳияти» деб номланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган конференция «Аёл ва саломатлик» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 сентябрь кунни Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очик акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

— Биз «Газпром»нинг ривожланишини диққат билан кузатиб келмоқдамиз, — деди Ислам Каримов. — У улкан салоҳиятга эга, истиқболи порлоқ компаниядир.

Ўқилги-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги илтимолдор бораётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўлишини ташкил қилади. 2002 йилда «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик ўртасидаги битим имзоланган. У 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, Урта Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали ташишни назарда тутади.

Хужжатга мувофиқ 2004 йилнинг 14 апрелида «Ўзбекнефтьгаз» билан «Газпром»га қарашли «Зарубежнефтегаз» ёпиқ акционерлик жамияти ўртасида Шохпахта конини ўзлаштиришни яқини етказиш лойиҳаси бўйича Маҳсулот тақсими тўғрисидаги битимга имзо чекилди. Унга биноан 2004 йилнинг иккинчи ярмида кондан газ олиш қайта йўлга қўйилди, компрессор станциясининг қурилиши ва инфратузилмани янгилаш ишлари тугалланди. Бунинг натижасида 2004 йилда 200 миллион куб метр газ қазиб олинди. Жорий йилда бу кўрсаткич 500 миллион куб метрга етказилиши кўзда тутилмоқда.

Стратегик ҳамкорлик битимига мувофиқ 2004 йилда Ўзбекистондан Россияга 7 миллиард куб метр газ экспорт қилинди.

2005 йилда бу кўрсаткич 10 миллиард куб метрга етишни мўлжалланмоқда.

«Газпром» билан Устюрт минтақасидаги газ конини ўзлаштириш, газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳам битимлар тузилган. Бу ҳужжатлар доирасидаги лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

«Газпром» жаҳондаги йирик компаниялардан биридир. Дунёда қазиб олинган газнинг 20 фоизи, Россия газининг 94 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. «Газпром» газ, нефть ва конденсатлар қазиб олиш ва қайта ишлаш, техника ва саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштирган. Унинг экспорт қиладиган гази Фарбий Европа эҳтиёжининг 33, Шарқий Европа эҳтиёжининг 80 фоизини қоплайди.

Бундай йирик компания билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдалидир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажмини ошириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятида.

Оқсаройдаги учрашувда «Ўзбекнефтьгаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. А.Миллер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

«ЎЗБЕКИСТОН – 2005» МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛИ

Тошкентда «Ўзбекистон – 2005» Миллий Интернет-Фестивалининг якуний босқичи ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. У «UzInfoCom-2005» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги» доирасида ўтказилди.

Фестиваль 29 апрелда «UZ» миллий доменининг 10 йиллиги қўнида эълон қилинган эди. Уни ўтказишга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, InfoCOM.UZ журнали тахририяти, расмий ёрдам кўрсатди, «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси ва «Ўзинфоком» маркази ҳомийлик қилди.

Анжуманинг асосий мақсад ва вазифалари «UZ» домени сегментини ахборот ресурслари ва хизматларини ривожлантириш, турли соҳаларда замонавий Интернет-технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш ва Интернет тар-

моғида ўзбек тилининг қўлланиши қўламини кенгайтиришдир.

Веб-сайтлар танлови натижаларига кўра, энг яхши шахсий веб-саҳифа, даврий Интернет-нашр, фан ва таълим, маданият ва санъат, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, тармоқ сервислари, жисмоний тарбия ва спорт, туризм, дам олиш ва саёҳат, электрон савдо соҳасидаги энг яхши веб-сайт йўналишлари бўйича 44 лауреат тақдирланди.

Ёшлар учун энг яхши веб-сайт, давлат тилидаги, давлат бошқаруви органига қарашли, корпоратив, ҳудудий-ўлкашунослик веб-сайтлари аниқланди. «Онлайн овоз

бериш натижаларига кўра Узнетнинг энг яхши веб-сайти» махсус йўналишида ҳам ғолиб аниқланди. Қувонарлиси шундаки, «Анъанавий оммавий ахборот воситасининг энг яхши веб-сайти» йўналишида иккинчи ўрин Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайтига насиб этди (<http://www.uz.a>).

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

XXI сағоси
аср
Барча мабалаардан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● **Корақалпоғистонлик** миришкорлар давлатга пахта сотиш шартнома-режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Корақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари ва пахтакорларига табрик йўллади.

● **Мамлакатимизда** Қувайт Миллий ассамблеясининг (парламент) Ички ишлар ва мудофаа масалалари кўмитаси аъзоси Али Ҳамуд Мансур ал-Ҳажрий раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

● **Ўзбекистон Халқ таъба**ти академиясида халқ таъбабини рағбатлантириш бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда шифокорлар, олимлар, халқ таъбаоти соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар иштирок этди.

● **Нукус темир йўл** шохбакагига Корақалпоғистон фермерлари учун янги ҳайдов тракторлари келтирилди.

● **Навоий индустриал**-иқтисодиёт коллежида янги нашрдан чиққан «Соғлом авлодни тарбиялашда маҳалла ва оиланинг ўрни» китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● **Польшада парламент** сайловлари бўлиб ўтди. 30 миллионга яқин сайловчилар қуйи палатанинг 460 ва юқори палатанинг 100 нафар депутатини сайладилар. Сайлов натижалари бугун маълум бўлади.

● **АҚШнинг Техас штати**нинг Порт-Артур, Бомонт шаҳарлари «Рита» довулининг хуружига учради. Ақоли олдиндан эвакуация қилинган, нефтни қайта ишлаш заводлари фаолияти тўхтатилганлиги сабабли довул унчалик ҳаддий зарар етказмади. Лекин штатда бензин танқислиги яққол сезилмоқда.

● **Исроил археологлари** Ҳулак денгиз яқинидаги Қумрон шаҳрида Библиянинг сополга битилган, қадимги иврит тилидаги ёши 2000 йилга яқин бениҳоя ноёб парчаларини топдилар.

● **Россия Федерацияси**нинг Самара вилоятида «Дунё дўмбиралари шоуси» фестивали бўлиб ўтди. Россия, Ҳиндистон, АҚШ, Бразилия ва бошқа мамлакатлардан келган дўмбирачилар ўзларининг бой маҳоратларини намойиш этган халқорой фестивал улкан гала-концерт билан аяунланди.

Обуна — 2006

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА
ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутлола қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин. Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолаларини билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана

шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг «Оқшом» тахририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг тақлиф ва истакларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимишларок қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги руқнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларини ўз саҳифаларида ертиб боради. Шундай экан, Сизга хар доим энг яқин ҳамдам, ҳам-

фикр ва маслаҳаттўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилдинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.



ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Эркин демократик жамият куриш истаги билан яшаётган ҳар бир халқ яратилаётган қонунларнинг адолатли, халққил, содда ва тушунарли, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини чуқур ҳимоя қила оладиган бўлишига интилади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бунда қонунчилик жараёнини, аввало, қонун қабул қилувчи орган фаолиятини янада тақомиллаштириш тақозо этилади. Мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи ҳисобланадиган ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган Олий Мажлисининг икки палатали парламент тизимига ўтиши ҳам ушбу мақсадга йўналтирилган.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур

ўзаро мувозаанат ва чекловлар тизимини яратиш, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги иши сифатини оширишдан иборат эканига алоҳида эътибор қаратган эди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтида қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарда шу ҳақда сўз борди. Анжуман Олий Мажлис палаталари ҳамда Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Институт директори Ф.Отаходнов бошқарган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатпарвар фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг қамров-

ли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган хулоса ва вазифалар бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сўзга чиққанлар инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга сadoқат ўз ифодасини топган Бош қонимиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларимиз мамлакатимизда инсонларпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Айтиш жоизки, икки палатали парламентнинг ташкил топиши давлат ҳокимияти олий органларини янги давр шароитига, демок-

ратиянинг умумэтироф этган меъёрларига мувофиқ тарзда тақомиллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Янги парламентнинг шаклланиши қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби ҳамда технологияларининг ўзгаришига, бу эса ўз навбатида қонун ижодкорлиги ишларининг сифатини ошириш, унинг барча босқичларида қонунчилик техникаси талабларига қатъий амал қилиш, илмий-амалий асосларини чуқур таҳлил этиш имконини беради.

Анжуманда икки палатали парламент шароитида «Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қонунларни экспертизадан ўтказиш», «Идоровий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертиза қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш» каби қонун ижодкорлигини тақомиллаштиришга қаратилган маърузалар тингланди.

Беҳзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

КЎРКАМ ҲАМДА ҚУЛАЙ

Яккасарой туманида 1994 йилдан буюн фаолият юритаётган «IRODAT» масъулияти чекланган жамияти ички бозоримизни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда муносиб ҳисса қўшмоқда ҳамда мижозларни мамнун этмоқда.

Мазкур жамият аъзоларининг меҳнат унвондорлиги ошишида босқичма-босқич цехларга келтириб ўрнатилган хоржий, замонавий, юксак унумли Германия, Япония ҳамда Россия давлатлари таниқли фирмаларининг тивук машиналари ҳақиқий маддадор бўлмоқда. «IRODAT» ёрлиқли махсус кийимлар — тиббиёт ходимлари учун халат, жарроҳлик костюмлари, қалпоқчалари, озиқ-овқат соҳаси кишиларига турли костюмлар, офицант, барменларга махсус кофта, блузка, кўйлак, юбка ҳамда шимлар дизайнини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, спорт кийимлари, кузги-қиши мавсумга мўлжалланган либослар жамият аъзоларининг касб-маҳоратлари, изланишлари самарасидир. Масалан, кўйлак, нимча, комбинезон, свитер, полувер, курткаи, иссиқ шим, хатто кўлоқлар ҳам қандай номиктаб мижознинг ҳам кўнглига ёқади. Барча кийим-кечаклар учун сифатли матолар Туркия давлатидан узок йиллик шартнома асосида келтирилади.

САМАРАЛИ ҲОЙДАЛАНМОҚДА

Мирзо Улугбек туманида иш юритаётган «Kalifat» масъулияти чекланган жамияти бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланмоқда.

Ташкил этилганига тўрт йил бўлган жамият Тошкент вилояти пахта заводларидан шартнома асосида келтириладиган паст навли пахтани қайта ишлашга ихтисослашган. Корхона цехларида мини завод кўмагида тажрибали ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бир сменада 2 минг 600 килограмм пахтага қайта ишлов бериш асосида маълум ҳажмларда тойлаб, уни сотувга чиқаришга тахт қилишади. Тайёр харидорнинг маҳсулотлар шахримиз ҳамда унинг атрофидаги вилоятларнинг курилиш ҳамда мебель дўконларида нисбатан арзон нархларда сотилмоқда.

Эътиборли томони, жоманинг қўли гул ишчилари эскирган техникани зарур бўлган вақтларда нафақат таъмирлайди, балки керак қисмлар тайёрлаб, алмаштиришади. Янги ҳамкорлар сафини ўстириш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш эзгу максавдларини амалга ошириш учун корхона тадбиркорлари аниқ режалар асосида пухта ўйланган лойиҳаларни амалга оширмоқдалар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



«Ўзбекистонда тайёрланган»

тамгаси билан

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида маҳаллий бизнес субъектлари қаторида хоржий ҳамакорларнинг ҳам улуши сезиларли бўлиб бормоқда. Бунга ички бозоримизнинг республикамизда фаолият юритаётган юзлаб қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар билан бойиб бораётгани яққол мисол бўла олади. «Нестле» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасининг ҳам маҳсулоти истеъмолчиларимизнинг юксак баҳосини олган десак адашмаймиз.



ЮТУҒИМИЗ — МАҲСУЛОТИМИЗ СИФАТИДА

...XIX асрнинг иккинчи ярмида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ўта долзарб масалаларга айланиб, бу борада тиббиёт имкониятлари ҳам кучсизлик қилаётган бир пайтда турли соҳа олимлари кўплаб кашфиётларга қўл уришга ҳаракат қилганди. Доришunos Генри Нестле сугир сути, бугдой уни ва шаккар аралашмаси билан турли изланишлар олиб бориб, натижада гўдаклар учун она сути ўрнига бериш мумкин бўлган бўтқа ихтиро қилади. Илк бора бу болалар маҳсулоти «Farine Lactee Henri Nestle» деб номланиб, қисқа вақт мобайнида бутун Европага тарқалиб кетади.

Замон талабидан келиб чиққан ҳолда 1860 йилда Генри Нестленинг бу ихтиросининг компания даражасида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Ўз фаолияти бошиданок бу компания Ўз асосини «Nestle» номини олади. Кейинчалик эса «қуш иниманьосини англатувчи бу сўз компаниянинг савдо белгиси сифатида қабул қилинади.

— Корхонамизда кўплаб олимлар, диетологлар, доришunosлар ва шифокорлар фаолият юритиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифатини доимий равишда назорат қилиб боришади. Мақтанш эмас, бироқ айнан шу боисдан компаниямиз дунёда энг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши билан донг таратган. Ютуғимиз ҳам, бошқа компаниялардан ажралиб турадиган қирраларимиздан бири ҳам айнан маҳсулотларимиз сифатидадир, — дейди «Nestle» компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бош директори Жан-Мишель Пьюсервер. — Ўзбекистонлик шерикларимиз билан 1999 йилда қўшма корхона тузган бўлсак, илк маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни 2002 йилдан бошлаб йўлга қўйдик ва бугунги кунга қадар бу корхона Марказий Осиёда ягона бўлиб қолмоқда.

— Завод юқори технология қувватга эга дастгоҳлар билан жиҳозлангани боис, — таъкидлайди Жан-Мишель Пьюсервер, биз-

ни ишлаб чиқариш жараёни билан таништирар экан, — унча кўп ишчи кучи талаб қилинмайдди. Шундай бўлсада, айни пайтда 200 дан зиёд маҳаллий ёшларнинг иш билан банд бўлишларига имконият бор. Корхонада ишчиларимизга барча шароитлар яратилган. Аънанамизга кўра, барча ишчи-хизматчилар ягона «Нестле» оила аъзолари деб юритилади. Ишлаб чиқаришдан бўш вақтларда эса тез-тез биргаликда турли тадбирлар уюштириб, бир-биримизга совғалар ҳам улашиб турамыз.

«Nestle» асосий фаолиятини бошқарганига яқинда уч йил тўлади. Шу кунга вақт мобайнида аҳоли эҳтиёжи, ички ва минтақа бозорлари кенг ўрганилгани натижасида компания маҳсулотлари турларини анча кўпайтиришга муваффақ бўлди.

— Дастлаб ишлаб чиқариш Наманган вилоятида йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 30 дан зиёд аҳолидан сўт йиғиш марказлари очилган, — сўзида давом этади бош директор. — Бу марказлардан сўт хом ашё сифатида заводга юборилади, сўнг қадоқланишдан аввал, албатта махсус стерилизациядан ўтказилади. Таъкидлаб ўтилганидек, корхона энг юқори технологиялар асосида жиҳозланган. Катта ҳажмдаги идишларга тўлганган сўт бир неча сония ичида юқори даражадаги иссиқликка кўтарилиб, сўнгра шундай тезликда совутилади. Тайёр маҳсулот даражасига етказиш, шу жумладан қадоқлаш жараёни атрофи герметик тарзда берк, гигиеник тоза бўлган хоналарда, ишчи кучидан фойдаланилмаган ҳолда амалга оширилади. Шубҳасиз, бундай вазиятда мавжуд бўлган ҳамма зарарли бактериялар йўқотилиб, сутнинг асл қиймати, инсон учун зарур бўлган хусусиятлари сақлаб қолинади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, маҳсулотнинг сақланиш муддати — тўрт ой ва отаоналар фарзандлари «Nestle(Я) Sutilim(TM)» сути таркибиде барча фойдали моддалардан баҳраманд бўлаётганига ишонилари

мумкин. Бундан ташқари, дунёда энг юқори сифатли деб тан олинган «Nestle(Я)Super Milk(TM)»сутини ҳам қадоқламоқдамиз. Ушбу сўт таркибига болаҳонларнинг танаси соғ бўлиши учун ҳар хил турдаги витаминлар ва Ўзбекистон иқлимига лозим бўлган йод моддаси қўшилгандир.

Ҳозирги пайтда компания томонидан икки турдаги сўт, газланган ва газсиз ичимлик суви, болаларга мўлжалланган турли хил бутқалар ишлаб чиқарилаётган бўлса, бу маҳсулотларнинг деярли 15 фоизи яқин чет давлатларига экспорт қилинаётгани шубҳасиз, қувонарлидир.

— Мамлакатингизда хоржий инвесторлар учун катта қўлайликлар яратилган, — алоҳида таъкидлаб ўтди жаноб Жан-Мишель Пьюсервер. — Компаниямиз фойда, мулк солиқларидан, бошқа баъзи тўловлардан озод қилинган. Иқтисод қилинган бу маблағларни корхона янада ривожлантиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини пайсатиришга ва сифат кўрсаткичларини оширишга йўналтирмоқдамиз. Яхши маълумки, ҳар бир янги корхона ишга тушиб, оёққа туриб олгунча 5-10 йил вақт лозим бўлади. Ушбу вақт ичида хоржий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун мамлакатимизда энгиллик яратиб берилгани биринчи навбатда уларнинг барқарор фаолият юритиб, янада ривож топишига замин бўлаётди. Лойиҳага асосан ҳозирда ишлаб чиқариш қувватини асосий мўлжалнинг учдан бирини ташкил қилмоқда. Галдаги вазифамиз маҳсулотлар турини кўпайтириш орқали корхона қувватини йилдан-йилга ошириб боришдир.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, «Nestle» компанияси 80 дан зиёд давлатларда 500 дан ортқ завод ва фабрикаларига эга бўлиб, уларда банд бўлган 250 мингдан кўпроқ ишчиларининг саъй-ҳаракатлари билан 1000 дан зиёд турли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шахло ҲОШИМОВА

1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ЎҚИТУВЧИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб «Ўқитувчи шахси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзуда анжуман бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р. Аҳлиддинов бошқарган анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимида рўй бераётган улкан ўзгаришлар ўқитувчи ва мураббийларнинг фаол иштироки билан чамбарчас боғлиқдир.

Тўққиз йилдирки, мамлакатимизда Юртбошимиз таклифи ва тавсиясига кўра 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида катта тантана билан кенг нишонланмоқда. 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилиниши ўқитувчиликдек шарафли касб макени янада юқори босқичга кўтариш, педагогларни қўллаб-қувватлаш ва меҳнатини рағбат-

лаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда қарий беш юз минг нафар ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўқитувчилар касбий маҳорати ҳамда тарбиявий ишлари даражасини юксалтириш учун шу йилнинг ўзида 14,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Хар йили касб байрами арафасида юртимизнинг юзлаб фидойи ва жонқуяр ўқитувчилари Президентимиз Фармони билан Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланади. Мунтазам ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» республика кўрик-танловлари педагогик касбининг нуфузини янада ошириш, илгор педагогик тажрибани оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Саломатлик

БОЙТИЛГАН УН АНЕМИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Агар инсон танаси етарли миқдорда озиқ моддалари ва маъданларга эга бўлмаса, бу албатта унинг саломатлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, инсон организмидега темир моддасининг танқислиги анемия (камқонлик) касаллигига олиб келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёнинг 40 фоиз аҳолиси анемиядан азият чекар экан, шулардан 75 фоизидега касаллик темир танқислиги туфайли юзага келар экан. Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида «Бойтилган ун — анемияга қарши» мавзуда ўтказилган тадбир ҳам бойтилган ундан фойдаланишнинг афзалликлари хусусида сўз борди. Уни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Давлат болалар кутубхонаси қoшидеги «Ёшлар ва қонун» клуби, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколтонаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Тошкентнон» ассоциацияси ҳамкорликда ўтказилди.

Мазкур тадбир «Ёшлар ва қонун» клуби аъзоларининг ташаббуси билан уюштирилди.

Тадбирни Республика Давлат болалар кутубхонасининг раҳбари Фотима Бухарова очар экан, ўз сўзида кутубхона қoшидеги «Ёшлар ва қонун» клуби 2001 йилда ташкил этилганини, клубнинг асосий вазифаси ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўлиб, ўсирилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошираётганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда Республика Болалар жамғармасининг раиси И.Юсупова, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили, жамоатчилик билан алоқалар ва маркетинг бўйича маслаҳатчиси Р.Хайдаров, «Соғлом авлод учун» жамғармасидан Д.Шарипов ҳамда «Тошкентнон» ассоциацияси вакиллари сўзга чиқдилар. Улар бойтилган ундан тайёрланган махсуслотларни истеъмол қилиш ниҳоятда зарур эканлиги, бу болаларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний ривожланишига катта фойда келтириши тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

Даржақат, нон — энг азиз неъмат, унинг ушогини ҳам авайлаб нес-нобуд қилмаслигимиз керак. Зеро замондошларимиз орасида нонни беҳурмат қилиб ахлат қутиларига ташлайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Шу куни ЮНИСЕФ томонидан сахналаштирилган «Бойтилган уннинг аҳамияти» номли кинофильм премьераси ҳам намойиш этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Фестиваллар

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ ЭКСТРИМ

Ҳозирги кунда бутун инсониятни ўзининг мудҳиш кўланкаси, бемисл оқибатлари билан ташвишга солиб келаётган гиёвандлик, нарқобизнес ва нарқотрофик моддалар савдоси сингари иллатлар ҳақида дунёнинг ҳар бир бурчагида бонг урилмоқда. Зеро, башариятнинг эртанги келажакига човут солаётган бундай оғулар тангалидан айниқса, ёшларимизни асрашимиз лозим.

Шу боис мамлакатимизда «Гиёвандликка қарши экстрим» Ёшлар фестивалини ўтказиб бориш анъана тусига кириш борасида у миллият ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида ҳам ўзига хос мезон вазифасини ўтаб келмоқда.

Бу йилги «Гиёвандликка қарши экстрим» III Ёшлар фестивали шахримизнинг сўлим гўшаларидан бири — Мирзо Улугбек номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фестивални ўтказишдан кўзланган мақсад ва вазибалар бир нечта йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 январдаги «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг 6-бандида нарқотик моддаларни истеъмол қилиш, тамаки чекишга қарши — ёшларни экстремал спорт турларига қизиқтириш, нарқотик моддалар истеъмолини қатъий рад этадиган информацион реклама компанияларини ташкил этиш, оммавий концерт шоуларини, мусобақалар ўтказиб бориш сингари масалалар кўзда тутилган. Ушбу фестиваль доирасида амалга оширилган вазибаларнинг салмогини юқорида қайд этилган эзгу ниятлар ташкил этади.

Бу йилги фестивалнинг илк босқичи Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги, Республика Касб-хунар таълим маркази билан ҳамкорликда Низом ишлаб чиқиш билан бошланди. Унга кўра коллежлараро «Энг яхши иншо ва плакат» номинациялари бўйича «Ёшлар гиёвандликка қарши» танлови ўтказилди.

Танловда 18380 нафар илм толиблари иштирок этган бўлиб, шулардан 16620 нафари коллеж талабалари, 1760 нафари эса лицей ўқувчилари дидир.

Энди бевосита тадбир тафсилотларига қайтадиган бўлсак, унда Тошкент шаҳри ва республикамиз вилоятларидан келган 500 нафар талабалар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Фестивалнинг асосий ташкилотчилари ҳисобланган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълим маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Эдельвейс» ёшлар клуби томонидан ўзига хос тарзда тайёрланган сахна безаклари, талабаларнинг ўзлари томонидан ишланган гиёвандликни фoш этувчи расмлар кўргазмаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан ҳар бир иштирокчи ёшларимизнинг дунёқараши илгаридан



лаб бораётгани, мамлакатимиз ўсирилари гиёвандлик, тамаки чекиш иллатларидан кўра экстремал спорт турлари билан шуғулланишни афзал кўраётгани, давлатимиз ва ҳукуматиимизнинг бир қатор меъёрий ҳужжатларига асосан бу борадаги ишлар кўлами янги босқичда амалга оширилаётганини таъкидлади. Фестивалда экстремал спорт турларига эндигина кириб келган болалар ва профессионал спортчилар ҳисобланмиш 6-22 ёшли болалар ва ўсириллар қатнашдилар ҳамда ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

Бундан ташқари «Энг яхши плакат» номинацияси бўйича голибликни кўлга қиритган Азамат Эргашев, Севара Абдуллаева, Азамат Ражабов, «Энг яхши иншо» кўрик-танловда галаба қозонган Дилмурод Мамажонов, Гулнора Райимова, Хуршида Содиқоваларга фестивалнинг I, II, III даражали дипломлари топширилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар; танлов голибли Азамат Эргашев.

Ҳақимжон Сулоҳов олган суратлар.

Санъат УЙ-МУЗЕЙДА ТАРАДУД

Яна икки йилдан сўнг адабий жамоатчилик ва кўпсонли китобхонлар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлайдилар. Шу сана муносабати билан атоқли адиб уй-музейида ҳам катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Бундан деярли 20 йил муқаддам ташкил топган бу уй-музей йирик адабий-маърифий даргоҳга айланган. Бу ерда сўз санъаткорининг ижодий меросини ўзида акс эттирувчи бир нечта бўлим бор. Уларга қўйилган экспонатлар бўйлиб олди кўп йиллардан кўп йиллар билан бойитилди.

Уй-музей раҳбари Нодира Жалилова музейшуносликка доир бой тажрибалар билан яқиндан танишиш мақсадида чет эл сафарига бўлди. Абдулла Қаҳҳор уй-музейини 100 йиллик юбилеи тайёрлашда бу замонавий янгиликлар кўл келди.

ЖОЗИБАЛИ БАДИЙ КОМПОЗИЦИЯЛАР

Республикаимизда жўшқин фаолият кўрсатиб келаётган мўйқалам устаси Владимир Бурмакин фундаменталист рассом сифатида кенг танилган. Унинг ўзбек диёрини мадҳ этувчи картиналари кўпгина халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди.

Рассомнинг шахсий кўргазмалари эса Нью-Йорк, Филадельфия шаҳарларида муваффақият қозонди. Германияда ташкил этилаётган расмлари кўргазмаси ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Мусаввир томонидан Тошкент аэропортининг кўркам жойларига мослаб ишланган картиналар ҳам яхши баҳо олди. Катталиги 200 квадрат метрли деворий манзара ҳам юзага келди.

Рассомнинг ана шу янги ижод намуналари яқинда Москвага халқаро кўргазмага юборилди.

АКТЁРНИНГ ДАСТАБКИ ФИЛЬМАРИ

Ўзбекистон халқ артисти Лўффулла Саъдуллаев кўзга кўринган театр актёри сифатида мухлисларга яхши танилган. Аини вақтда у кинорежиссёрликка ҳам кўл урди.

Бугунги кунда санъаткор «Эҳтиёт бўлинг, қизлар» деб номланган янги экран асарини яратиш устида иш олиб бормоқда. Ёш ёзувчи Л.Каримованин «Муҳаббат изтироблари» деган асари воқеалари мазкур фильмда ўзининг бадий талқинини топади.

Актёр Л.Саъдуллаев истеъдодли киносанъаткор сифатида яқинда суратлаб олинган «Фотима ва Зухра» бадий фильмида роль ижро этиб, ўз маҳоратини намойиш этди.

Акбар АЛИЕВ

“Кишнинг бир куни қолса ҳам кўрк”, дейишади донишмандлар. Аслида жўнгина кўринган бу гапнинг тагида катта маъно ётади. Бу — киш гамини ейишни эрта бошла, унга пухта тайёргарлик кўр, кейин аттанг деб қолма, дегани. Ўтмишдошларимиз хар бир гапни синаб, тажрибадан ўтказиб кейин айтишган. Уларнинг пурмаъно сўзларига амал қилмаган киши охир-оқибат пушаймонлик гирдобига мубтало бўлиши ҳам исботини топган ҳақиқат. Шундай экан, ҳозирги фикрда дамларнинг хар бир дақиқасидан унумли фойдаланган киши ютқазмайди. Акс ҳолда киш жабрини ўзи тортади.

Табиийки, киш тайёргарлиги билан боғлиқ масала ҳаммадан кўпроқ коммунал соҳа кишиларига тегишлидир. Чунки ёзи билан сув босиб ётган ертўлалари (ҳали ҳам бор шундай ертўлалар) бугун тартибга келтирмасак, эртага кеч бўлади. Йўлақларимиздаги синиқ эшик ва ромларни таъмирлаб қўймасак, ўзимизга қийин бўлади, йўлақларни оқлаб-кўклаш ташвишда бўлмасак, эртага уйимизга келган меҳмон олдида хижолат чекамиз.

Буни яхши тўшунган ҳамшаҳарларимиз киш тайёргарлигини бу йил анча олдиндан бошлаб юборишди. Бунга баъзи бир уй-жой мулкдорлари ширкатларини айланганимизда ўзимиз гувоҳ бўлдик. Мисолларга мурожаат қилайлик. “Бўстон-коммуналчи” ширкати Собир Раҳимов туманининг Қорақамиш 2/1 даҳасида жойлашган. 12 та тўрт қаватли уйни ўзига бирлаштирган ширкатда киш тайёргарлиги бўйича анча-мунча ишлар қилинган. Уйларнинг атрофи ободонлаштирилиб, ноконуний қурилишлар, ҳовли ҳуснига доғ бўлиб тушган чакалакзор буталар олиб ташланган. Ҳовлиларда, уйлар олдида гулзорлар ташкил этилган, арчалар экилган, йўлақлар асфальтланган. Бу ердаги кўп қаватли уйларда жами 122 та йўлак бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси таъмирдан чиқарилган. 70 га яқин йўлақларга темир эшиклар ўрнатилган. Айбунта бу борада гап борганда ширкатнинг “Бўстон” маҳалласи билан ҳамкорлиги, шунингдек, туман ҳокимидаги ва ҳомий ташкилотларнинг ёрдамлари ҳам назардан қочирмаслик керак. Лекин ширкат ишида муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, булар ширкатга қарашли кўплаб уйларнинг томондан ёгин-сочин кунларда чакка ўтши ҳамда иссиқлик тизимидаги муаммолардан. Ана шунини эътиборга олиб, ҳозирда уйларнинг томини капитал таъмирдан чиқариш ишлари бошлаб юборилди. Фикримизга мисол сифатида 31-уйи кўрсатишимиз мумкин.

Шундай ибратли ишларни Қорақамиш 2/4 даҳаси, Тансиқбоев мавзесида ҳам кўрдик. Бу ерда жойлашган кўпчилик 5 қаватли уйларда ҳам таъмирлаш ишлари тўла ниҳоясига етказилган. Йўлақлар ҳомий ташкилотлар томонидан сифатли таъмирланиб, уларнинг қиравериш қисмига темир эшиклар ўрнатилган.

— Бугунги кунда кўп қаватли уйларнинг кириш йўлақларини таъмирлашда, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришда ҳомийлар кўмагидан самарали фойдаланилмоқда, — дейишди бизга туман таъмирлаш ва авария-тиклаш хизмати раҳбарлари. — Бу борада айнақса “Ўзнефтьгаз”, “Ўзбектуризм”, “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари, Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси сингари 34 та ҳомий ташкилот ва корхоналарнинг ёрдами катта.

Шу ўринда айтиш мумкинки, бугунги кунда шаҳримизда олиб борилаётган коммунал соҳадаги ишларнинг хайрли кечишига асосан Президентимизнинг “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори туртки бўлди. Ушбу муҳим ҳужжат коммунал соҳа мутасаддилари зиммасига янада катта масъулият юклатди.

Мазкур Қарорда таъкидланганидек, кейинги йилларда коммунал хўжалигининг ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизmlарини жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди. Уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланди. Шу билан бирга баъзи жойларда уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш ҳаёёнин кийин кечаётгани ва уларнинг фаолияти юзакчилик билан олиб борилаётганини ҳам эътибор этмоқ ўринлидир. Халиҳамон улардан баъзилари амалда тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилгандан кўз юмиб бўлмайди. Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш тамо-

ликамиз иқтисодий куч-қудратининг шаклланиш ва тикланиш жараёнида доимо мустаҳкам пойдевор бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шаҳримиз кун сайин яшариб ва яшнаб бормоқда. Бу шаҳри азимдаги ўзгариш ва янгиланишларни кундалик ҳаётимизда ўзимиз кўриб гувоҳи бўлиб турибмиз. Мустақиллигимиздан сўнг ўтган 14 йил ичида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етишимиз қийин. Шаҳримиз чирой очиб, ёрқин келажақ томон шаҳдам одим отаётганини нафақат биз, ҳатто чет элликлар тилидан ҳам тез-тез эшитилиб турилибди. Биргина ободончилик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ўзи бу фикримизнинг далилидир. Бугун шаҳримизнинг қайси тўшасига назар ташламанг, қай бурчагида бўлманг,

санитар ҳолатида сақлаш борасидаги мажбурият барчамизга бирдек тегишли эканлигини унутмаслигимиз керак. Шу йилнинг 11 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коммунал хизматлар тарифларининг асосис равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши механизми такомиллаштирилди. Тарифларнинг асосий равишда ўсиб кетишига тўсқин қилинди, коммунал тармоқлардан фойдаланиш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника-

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар
ЎЗ УЙИМИЗ, МАҲАЛЛАМИЗ ОБОДЛИГИГА ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

кўзингиз яшил бойликлар олампидан яшнаб кетади. Айнақса, бу борада гап борганда пойтахтимиздаги қатор майдон ва мавзелар ҳал этишнинг устувор вазифаларини яна бир бор кайд этиб ўтди. Ўртбошимиз ташкил этилган аксарият УЖМШлари турар-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишидан умуман беҳабар, тасодифий кишиларга топшириб қўйилганини катта ташвиш билан таъкидлади. Бинобарин, ширкатларда кишиларга нафидан кўра зарари кўпроқ тегадиган, мутахассис бўлмаган кишиларнинг қилангар, бухгалтер ва бошқарув раиси сифатида иш юритаётгани ҳақли эътирозларга олиб келинаётганлиги айтилди. Аҳолидан йилгилан тўловларни мутлақо бошқа мақсадларга сарфлаш, катта миқдордаги ўзлаштириш билан боғлиқ хунук оқибатларнинг негизиди ҳам ана шундай ноқобилликлар ётгани рўйроқ айтилди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардик. Муайян ҳуқуқлардан ташқари кўп хонадонли уйларда яшовчиларнинг ҳам ўз мажбуриятлари бор. Жумладан, уларда ўз кўшилари, ҳамда бинонинг муҳандислик анжомларига зарар етказмаслик мажбурияти мавжуд. Айтийлик, кўп қаватли уйнинг юқори қаватидаги кўшимчи киш ва баҳор фаслида томдан чакка ўтишидан, биринчи қаватда яшайдиганлари эса йил бўйи паша ва зах муаммосидан азият чекади. Бир қарашда ўрта каватлардаги хонадонлар эгаларига тааллуқли эмасдек шўнрадан бундай муаммолар аслида шу иморатда истиқомат қиладиганларнинг барчасини ташвишлантирмайди лозим. Иморатни юқоридан емираётган ёгин-сочин ва пойдеворидан ураётган зах охир-оқибатда бутун бинога зарар етказиши. Қувурлар тезда чириб, уйнинг санитария ҳолати ёмонлашади. Турли касалликлар келиб чиқади. Табиийки, бундай уйда яшаш нафақат ёқимсиз, балки ҳаёт учун хавфли ҳамдир. Хамонки кўп қаватли уйнинг умумий мулкдан шерикликда фойдаланар эканмиз, иморатни зарур техник ва

биринчи йўлагига кирдик. Йўлак яқин орада дид билан таъмирланганлиги кўриниб турибди. Қираверишда темир дарвоза ўрнатилган. Йўлак ромлари, ойналари янгиланган. Лекин шундай шинам йўлакдаги иффосликлар — қоғоз парчалари, сигарет қолдиқлари, листа пўчоқлари унинг ҳуснини бузиб турибди. Зиналардан юқорига қўтарилганимиз сари яқиндагина безакдан чиқарилган деворларга кимдир бўр билан ёки миҳда ёриб-чизиб турли хил шаклдаги расмларни тизиб ташлаганига кўзимиз тушди.

— Йўлакни чиройли таъмирдан чиқариб-сизлар, — дейман сукут сақлаб бораётган Ибодуллани суҳбатга тортиш учун. — Кўшиллар ахил бўлсаларингиз керакда. Лекин муамло чизиқлар... — Ҳа энди бу болаларнинг ишиди. Йўлакни эса биз таъмирламадик, таъмирлаб беришиди.

— Барака топишин ҳарқалай бошлашди. Лекин йўлакнинг бир ҳолатидаги тартибсизлиги унинг ҳуснини бузиб турибди. — Нимасини айтасан. Шу йўлакда 10 та оила яшайди. Кўпчилигида ёш болалар бор. Уларга минг марта айтдим. “Ёшларга туширинглар, ўз ҳолича йўлакка турли чиқиқларни чизиб ташлашмасин” деб. Бола болада, айтганим билан бўлмас экан. Шу йўлакдаги хонадонларнинг кўпчилигида ёшгина аёллар истиқомат қилишади. Улар фақат уйларини ораста сақлашадю, йўлак билан ишлари йўқ. Бир неча кун уйдигиларга айтиб, йўлакни бошдан-оёқ супуртириб-тозалатиб қўйдим, ҳеч ким миннатдор бўлмади. Борей, бизга нима дедим, қарамай қўйдим.

— Ахир эрталаб туриб ҳамма ўз эшиги тагини супуриб қўйса олам гулистон. Шунга қанча вақт кетади? — Аёлим орқали бу гапни ҳам қўни-қўшилларга етказдим. Улар: “Бизга зарил кептими, керак бўлса тозалаб беришин” қабилда гап қилишди. Шундан бери ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Ибодулла яшайдиган 4-қаватдаги хонадонга кирдик. Хонадон тоза, озода, ҳамма нарса жой-жойида. Кўриб ҳавасинг келади. Лекин бир қадам ташлаб, эшик ортига ўтсанг, у ерда бутунлай бошқа манзарани гувоҳи бўласан. Е тавба, дейман ўзимга-ўзим. Кимлардир сен яшайдиган уй йўлагига фаиз киритиб, текинга таъмирлаб берса, сен эса ҳеч бўлмас бир зум вақтингиз ажратиб уни супуриб-сидирмасанг, бу қан-

дай гап? Инсофсизлик шунчалар бўладими? Ўртада андиша деган гап ва унинг ҳам чегараси борку ахир.

Коммунал хизматлар соҳасида яна бир муаммо бор. У ҳам бўлса иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаслигини. Бу ўз навбатида ана шу неъматлардан ҳўжасизларча фойдаланишга, уларнинг беҳуда исроф бўлишига олиб келмоқда.

Ахир бир йўлаб кўринг, кимдир уйини иситиш учун газ плиталарини кечаси билан ёкиб қўйса, яна баъзилар бир донга гугурт чўлини ортиқча исроф қилмаслик учун газ қопқоғини ўчирмай пастлатиб қўйса — бу исрофгарчиликларнинг увели кимни тутуди? Сиз билан бизни. Газ табий бойлик деймиз. Уни исроф қилмайлик деймизу, амалда ҳаммиш ҳам бу сўзларга риоя қилавермаймиш. Ахир бу бориб турган ҳўжасизлик, бойлигимизни беҳудига совуриш эмасми?

Сув истеъмоли ҳақида ҳам шу гапни айтишимиз мумкин. Кундалик ҳаётимизни сувсиз тасаввур қилиш қийин. Сувни исроф қилиш, айнақса ичимлик сувини беҳуда оқизиб қўйиш энг зарарли одатлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, шундай экан, ичимлик сувининг қадрига етиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлида хар биримиз жон қуйдиришимиз керак. Сув ва сувдан фойдаланиш қонун-қоидалари давлатимиз томонидан ҳам қаттиқ назорат остига олинган. Сув тўғрисидаги қонуннинг 26-бўбиди сувдан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августда эълон қилинган 385-қарорига мувофиқ сувдан фойдаланишда белгиланган лимитларга риоя этилмас, маъмурий жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Лекин минг афсуслар бўлсинки, кундалик турмушимизда бу қонун-қоидаларга зид иш тутган вақтларимиз ҳам кўп бўлади. Бўлмас қишли-қировли кунларда яхлаб қолмаслик учун ҳовлидаги сув ўтказгич жўмрагини бекор очиб, ичимлик сувини беҳуда но-буд, исроф бўлишига йўл қўймасдик. Ёзда кўп қаватли уйларда мўътатил ҳаво яратиш учун жўмрақлардан жилдиратиб сув оқизиб қўймасдик. Томорқаларимизни сўғориш учун сувдан керагича фойдаланардик.

Бир кун уйимизда иссиқ сув бўлмай қолса югур-югур қилиб қоламиз. Лекин ундан керагича, тежаб-тергаб фойдаланмаймиш. Утган йил қишли-қировли кунлар тажрибадан маълумки, баъзи ҳайдовчилар уйларининг пешайвонидан чиқарилган ишланкага иссиқ сувни улаб ўз машиналарини ювган холларни ҳам ўчратдик. Буни айтишдан мақсад, бундай ҳўжасизлик ва ўзбошимчалик бу йилги киш мавсумида такрорланмасин деймиш.

Умуман бундай исрофгарчиликларнинг олдини олишнинг бирдан бир чораси у ҳам бўлса барча хонадонларни иссиқлик энергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналар билан тўла таъминлашдан иборат. Ана шундагина икки томон ҳам ҳисобдан адашмайди. Тўловнинг ҳақи ҳамёнга уриб тургандан кейин хар қандай истеъмолчи ҳисобини тўғри оладиган бўлиб қолади.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан, уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларининг кассаларини четлаб мустақил йиғишнинг таъкидланиши нақд пул ноконуний айланишининг анча олдини олды. Яширишининг ҳолати йўқ. Белгиланган ҳудудларга ажратилган назоратчиларнинг ҳаммаси ҳам хонадон-хонадон юриб аҳолидан коммунал тўловларни (ҳох у электор ёки газ, шунингдек ичимлик суви ҳақи бўлсин) ҳаммиш ҳалоллик билан йўғади, деб бўлмасди. Улар орасида “сиздан угина, биздан бугина” деб ҳисобдонни орқага айлантириб давлатга тўланадиган пуллари “туя” қилувчилар йўқ эмасди. Афсуски, бу ҳол ҳозирда ҳам айнақса ичимлик суви тўлови борасида содир бўлиб турибди. Устабузармон назоратчилар хонадонларда изғиб: “Қарзингизни қачон тўлайсиз?” деб юришадию, агар уй эгаси сал им қоқса дарҳол келишувчилик йўлини йўлашади. Қарабсизки, икки томон озми-кўпми даражада фойда

қилиши керакми — давлатга. На-тижада режадаги тушум ўз-ўзидан камайиб кетади. Уйлаймизки, бундай ҳолга кескин барҳам берадиган кун келди, фурсат етди. Шу ўринда яна бир бор Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасига қайтишимизга тўғри келади. Ўртбошимиз унда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш масаласига жиҳдий эътибор қаратиб уйи навбатдаги устувор вазифалар қаторида тилга олиб: “Шуни тан олиш керакки, бизда коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизими, бу тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва модернизациялаш, умуман олганда, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишининг тасвирчан механизми амалда яратилмаган” дея таъкидлаб ўтган эди.

Бу камчилик ва нуқсонларнинг тагида бир сабаб ётади. Ўртбошимиз таъкидлаганларидек, кўпгина уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқаруви бу ишдан мутлақо беҳабар бўлган тасодифий кишиларга топшириб қўйилганлигидадир. Бугун биз уларни ном-ном санаб ўтиш фикридан йироқмиз. Лекин шу ўринда эскидан қолган бир ҳикмат — “Чумчўқ сўйса-ҳам қассоб сўйсин” деган мақолини ёслашиб қўймоқчимиз. Ҳар қалай хар қасбнинг ўз билимдон, мутахассиси бошқаргани яхшироқда.

Уй-жой-коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва уни сақлаш борасидаги мавжуд муаммолар ҳамон шошма-шошарлик, баъзан эса юзакчилик билан ҳал этилмоқда ва бу чиндан ҳам аҳолининг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сафаримиз чоғида ҳам ўзимиз бунга гувоҳ бўлдик. Бир неча ертўлаларни кўздан кечирдик. Очиги, уларнинг бугунги ҳолатидан ўнчалик кўнглимиз тўлмади. Тартибли ертўлар билан бир қаторда ҳали ҳам қувурларидан чакка томиб ётган ертўлаларни ҳам учратдик. Лекин уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутасаддиларининг ҳамда уй бошлиқларининг: “Тез кунларда бу камчиликларни тугатамиз, ҳозир шунинг тарадуғида юрибмиз”, деган сўзларига ишониб, бу ертўларнинг маконини аниқ келтирмадик.

Яна бир гап. Баъзи кўп қаватли уйлар олдидаги майдончаларга кимлардир яқин ният билан дарах ўтказганлигини кўрдик. Лекин афсуски, бу навар-ниҳолларнинг кўпчилиги сувсизлик ва қаровсизликдан қовчираб қолибди. Наҳотки шундоққина эшигимиз тагида, кўз ўнгимизда қуриб бораётган, эртага бараваж кўкарса, ўзимизга соя-салқин берадиган ёш ниҳолга икки челақ сув қуйиб қўйиш шу қадар қийин бўлса? Менга нима, деган тушунча билан юришимиз, керак бўлса бошқарган қарасин, деган лоқайдлик балосидан қачон қутуламиз? Қачон ўз шаҳримиз, ўз маҳалламиз, ўз уйимизнинг ҳақиқий хўжайини бўламиз? Қачон ўз уйимиз, ўз маҳалламизни, ўз ҳудудимизни ўзимиз қўриқлайдиган, унинг ораста, обод ва кўркам бўлишида астойдил жонқуярлик қиламиз?

— Мен бугун хизмат бурчим тақозоси иззасидан Президентимизнинг шаҳар ободончилиги йўлида билдирган фикрларига алоҳида эътиборин қаратмоқчиман, — дейди бизга Фуломмахмуд Абдуллаев номли маҳалла оқсоқоли Қобил Зокиров. — Ўртбошимизнинг ободончилик ҳақидаги фикрлари чиндан ҳам шу юрт меники, шу уй меники, шу шаҳар меники”, деб ҳис этган инсон зоти борки, барчасини тўлқилантирмай қолмайди. Давлатимиз раҳбарининг: “Биз нафақат Тошкент, балки Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари обод ва гўзал бўлишини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашни ҳоҳлаймиш ва бу табий ҳол, албатта. Лекин ана шундай ҳаёт даражасига етишни орзу қилар эканмиз, аввало ўз олдимизга катта мақсадларни қўйиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз даркор. Ўзбекистон деб аталган бу табарруқ заминга эзгу ният билан бир ниҳол эмоқчи бўлсак уни айнан шу бугун экишимиз керак” деган сўзлари айнақса биз маҳалладошлар учун дастурламак бўлиб хизмат қилиши керак, деб ўйлайман.

Хуллас, гапирверсак гап қўп. Шундай экан, шу ерда гапни мухтасар қилайликда, олдинги йиллар қиш сабоғидан тегишли хулоса чиқариб навбатдаги аёзли кунларга пухта тайёрланылик. Кейин аттанг дейишга, турли кўнглисизликларга ўрин қолмасин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Йилимиз — Аёллар йили деб номланди. Мустақил ҳаётимизнинг еттинчи йиллиги нишонланган ва биз кўнглимиз тўлиб, келажакимизга ҳадо мустаҳкам ишонч билан қузатган йилимиз ҳар қандай машаққатларга қарамай сермазмун, самарали бўлганлигини таъкидлаш нақадар мароқли. Не бахтики, истиқлолнинг еттинчи йили биз қўйган ҳамма талабларга жавоб бера олди. Бевосита халқ турмуши натижаларига назар ташласак, мамлакатимизда саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари анча сезилди. Юртимиз улкан қурилиш майдонига айланди. Машинасозлик, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноатидаги бунёдкорлик ишларининг ҳар бири тарихимизда мисли кўрилмаган натижалар ҳисобланади.

Узоққа бормай пойтахтимиз Тошкент, унинг тақрирланмас гўзал чиройига назар ташласак, бугун бу ерда қадам ранжид қилаётган энг йирик давлат, саноат, сиёсат арбобларию, тижоратчи сайёҳларни ҳам ҳаяжонлантира олишига имонимиз комил бўлади. Бор йўғи икки-уч йил олдин Тошкентга келганлар пойтахт қиёфаси бутунлай ўзгариб, гўзаллашиб, улкан салобат касб этганлигини эътироф этаётганлиги юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Кўкка буй чўзган баланд замонавий маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, аънавий шарқ услуби билан уйғунлашиб кетган маданий-маиший, турар-жой ва бошқа осмонўпар бинолар, чет элликлар кўз ўнгиде мўъжиза бўлиб кўринувчи мухташам бозорларимиз ҳар биримизнинг фахр ва ғуруримизга айланди.

Энг муҳими, пойтахт аҳли ҳаётида юз бераётган бу жиҳдий ўзгаришлар — турмушимиз тобора сермазмун, фарахбахш бўлиб бораётганидан далолат беради. Ҳамма соҳада бўлганидек, миллий тафаккуримизнинг ўзгариши, ҳаётга фаол муносабат, яшаш тарзимиздаги илгор қарашларнинг онгимизга сингиб боришида ҳам пойтахт аҳли намуна кўрсатаётганлигини эътироф этиш ўринлидир. Боқимандалик иллатларидан халос бўлишда пойтахтимиз намунаси ҳаммаимизни руҳлантиради. Бунга биргина мисол — иқтисодий, илмий-маънавий соҳаларнинг ҳаммасида тадбиркорлик кун сайин ривож топаётгани, шу соҳаларнинг ҳаммаси ва ҳар бирида содир бўлаётган янгиликлар, кашфиётлар, ўзгаришлар пойтахт меҳнаткашлари ҳаётининг яшиланиши ва уларга замонавий қулайликларнинг яратилишига хизмат қилаётганлиги билан ибратлидир.

Шубҳасиз эришилаётган ютуқларимиз катта, залворли. Айни пайтда ҳали бу — илк қадамлар, дастлабки марралар экани ҳам маълум. Олдинда буюк доволанг, халқимизнинг муносиб ҳаётини таъминлашга қаратилган улкан вазибалар турганди. Айниқса, кириб келган янги йилимизнинг салохияти, маъзун-моҳияти ғоят улғувор эди. Негаки, у XX асрнинг сўнгги йили — XX ва XXI асрларни туташтирувчи кўприк ҳисобланарди. Ана шу кўприк қанчаллик мустаҳкам бўлса — халқимиз, пойтахт меҳнаткашларимиз келгуси юз йилликка шунчаллик қатъият ва ишонч билан қадам қўйиши барчага аён эди.

“Оқшом” газеталари ҳам анъанага биноан йил мазмун-моҳияти, йўналиши, қутилган йилда ўтадиган асосий саналар ва воқеалар, долзарб мавзулар хусусиятидан келиб чиқиб қатор режаларни белгилади. Шунга биноан газетда бир нечта янги руқлар пайдо бўлди. Масалан, булар “Истиқлол ва миллий қадриятларимиз”, “Юртимиз фидойилари”, “Бугуннинг қадри”, “Қад-

риятларимиз муқаддас”, “Жавоҳирлар сандиғи”, “Ҳаёт сабоқлари” ва бошқа руқлардир. Ҳатто баъзи руқ остидаги мақолалари ёритиш учун аниқ муаллифлар белгиланди. Хусусан “Истиқлол ва миллий қадриятларимиз” мавзусидаги материаллар истеъдодли адабиётшунос олим Аҳмад Алиев, “Ҳаёт сабоқлари”, туркумидаги мақолаларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев, “Жавоҳирлар сандиғи” руқини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг таниқли олими Турғун Файзиевлар масъул этиб тайинланди.

Бош муҳарриримизнинг елиб-югуриши ва унинг ташаббуси билан янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб “Оқшом” газеталарининг ҳар жума сони рангли кичик, яъни А-3 қоғоз бичимида саккиз бетли бўлиб чиқадиган бўлди. “Оқшом”даги бу янгиликни ўқувчиларимиз яхши қўтиб олишди. Шун-

сизлар учун янги қувонч, тинчлик, осойишталик ва кўнгли тўқлик келтириши керак. Юздан ортиқ муҳим тадбирларни ўз ичига олган Аёллар йили бўйича Давлат дастури шуни тақозо этади.

Аёлларга бўлган ғамхўрлик, уларга бўлган эҳтиромга қараб жамиятнинг инсонпарварлик даражасига баҳо берилди, дейишди. Шу маънода бизнинг республикамиз ҳуқуқий фуқаролик инсонпарварлик жамияти қурилиши йўлидан изчил борапти деб айта оламиз. Қувончлиси шундаки, аёлларга эътибор, уларнинг жамиятдаги мақоми ва макомини ошира бориш шу йилнинг ўзи билан чекланмай доимий давом этади.

Азиз “Оқшом”хонлар! Тахририятимиз ижодкорлари сизларнинг фикр-мулоҳазаларингиздан келиб чиқиб яна бир ташаббус билан чиқишга қарор қилишди. Яъни, шу бугундан бошлаб тахририятимизда сизлар учун “Ишонч телефони” ишлаш бошлайди. Ҳафтани ҳар пайшанба куни махсус телефон ёнида ходимларимиз навбатчилик қиладилар ва сизларнинг истак ва талабларингизни ёзиб олишади. Уйлаймизки, биз баён этаётган ташаббус сизларнинг эътиборингиздан четда қолмайди”.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни илк бор умумхалқ байрами сифатида нишонланиши муносабати билан мустақиллик майдонида Хотира ва Қадрлаш мажмуасининг очилишига бағишланган тантаналарни ҳам халқимиз мароқ билан қўтиб олди. Шу куни бу ерда республикамизнинг барча вилоятларидан уруш ва меҳнат фахрийлари, II-жаҳон урушининг оловли давларида мамлакат ичкарисиде меҳнат билан галабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшганлар, шахримизда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатларнинг дипломатик корпуси вакиллари тўпланишди. Ўшанда Юртбошимиз тантана иштирокчиларини қутлаб туриб: “Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади”, деган эди.

Президентимизнинг ташаббуслари билан Ватан фидойилари хотирасини ёдга олиш, уларни эъзозлаш, ҳурмати-ни жой-жойига қўйиш хусусидаги хайрли ишлар давом этади. Ҳафтанинг 23 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойиларнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Шундан кейин Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўсув канали қирғоғида мустамаккачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини бунёд этишга киришилди.

Ҳеч бир газета бир мавзу билан чегараланиб қолган эмас, қолмайди ҳам. Ана шу ҳулосадан келиб чиқиб “Оқшом” газеталари ҳам ўз йўналишида белгиланган режалар бўйича турли мавзуларда чиқишларини давом эттирди.

Ҳафтанинг 9 май учун муҳим бўлган 1999 йилнинг 5 декабрида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ва келгуси 2000 йилнинг 9 январиде ўтиши белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёни хусусидаги мавзуларга ҳам кенг эътиборни қаратди.

Бир сўз билан айтганда, 1999 йил — Истиқлолимизнинг саккизинчи йили ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда салмоқли натижаларга олға қараб ҳаракатимизда сермаҳсул йил бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари



• Эй одам, бировларга лутф-эҳсон кўрсатишнинг фойдаси ва ўзгаларга чоҳ қазувчининг ўзи шу чоҳга йиқилиши ҳақида эшит.

Байт:

**Кулфат келмасин,
деб хоҳласанг бошга,
Лутфу эҳсон кўрсат
кекса-ю ёшга!**

Ҳикоят қилишларича, Мушашшир номли гулом шундай нақл қилган:

— Менинг хоҳам бир куни ёзган хатини Муиз ад-Давлага етказишимни сўради. У сароғига етиб, ёнига ўтирган ҳам эдики бир киши кириб келди ва Муиз ад-Давлага деди:

— Агар менга фалонча микдорда маблағ берсанг, Носир ад-Давлани ўлдириб келаман!

У мазкур тақлифни қабул қилди, орада аҳди-паймон қилинди.

Мазкур киши узоқ вақт Носир ад-Давла сароий атрофида кезиб юрди, кўпгина харажатлар қилди. Ниҳоят Носир ад-Давланинг сароий ходимларидан бири билан танишишга муваффақ бўлди. Ходим билан бирга Носир ад-Давланинг иморат ва қасрлари орасида сайр қилди. У зимдан Носир ад-Давланинг тунайдиган жойи ва унга қириладиган йўллари билиб олди. У қоронғи тулларнинг бирида Носир ад-Давла ётадиган уйнинг яқин жойига яшириниб олди. Носир ад-Давланинг бир хизматкори бўлиб, у доимо ўз хоҳасининг боши томонига ётар эди.

Тун яримлаб қолганда қаср тагидан бир дарвешнинг: «Эй, бедор киши борми, ноқорликдан ярим кечада уйдан қичдим, бола-чакам оч, икки кундан бери овқат ейишгани йўқ!» — деган овози эшитилиб қолди. Носир ад-Давла бу сўзларни эшитиб, юраги титраб кетди, иргиб ўрнидан турди, ҳеч кимни уйғотмай, болиши остидаги бир неча дирҳамни олиб томга қичди ва дарвешга:

— Эй дарвеш, этагингни оч! — деди.

— Уст-бошим йўқ! — деб жавоб қилди дарвеш.

Носир ад-Давла дарҳол устини ечди, пулни унга ўраб, дарвешга ташлади. Дарвеш унга: «Умринг узоқ бўлсин, бараканг ошин!» — деганича дуо қилиб кетди.

Носир ад-Давла турганида уни ўлдириш касдида юрган киши фурсатни ғанимат билиб уйга кирди ва ухлаб ётган ходимни Носир ад-Давла деб гумон қилиб, бошини танидан жудо қилди. Носир ад-Давла томан астагина тушиб уйга киргач ходимни ўлик ҳолда кўрди.

Котил эса дарҳол Муиз ад-Давла олдига етиб борди ва айтилган одамнинг ўлдирилганлигини билдирди. Аммо, бир неча кун ўтгач, унинг тирик эканлиги ҳақида хабар тарқалди. Муиз ад-Давла котини топдириб, доғра осигҳа фармон берди. Бу воқеадан хабар толган Носир ад-Давла ўзининг ўлимдан қолгани дарвешга яхшилик қилиш учун чиққанидан эканлигини аналди.

ЯПОН ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА

Токиода "Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва Япония билан ҳамкорлик" маззуда семинар бўлиб ўтди. У мамлакатимиз Ўзбекистонда япон тадбиркорлари иштирокини фаоллаштириш, япон капиталини Ўзбекистоннинг устувор сармоявий лойиҳаларини рўёбга чиқаришга жалб этиш масалаларига бағишланди. Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси ва Япония Иқтисодиёт жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда йирик япон компанияларининг вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсувчанлиги, иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқ ва жабҳалари барқарор ўсиб бораётгани тўғрисидаги батафсил маълумотлар япон томонида жиддий қизиқиш уйғотди.

Семинарда яқинда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ислохотлар ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг устувор йўналишларини ҳаётга тадбиқ этишни жадаллаштириш, тадбиркорлик субьектлари ҳуқуқлари ҳимояси тизимини такомиллашти-

риш, хорижий хусусий сармояларнинг тўғридан-тўғри жалб этилишини рағбатлантиришга йўналтирилган фармонларнинг мазмун-моҳияти Япония ишбилармон доиралари вакилларига атрафлича баён этилди.

Япония Иқтисодиёт жамғармаси раиси Н.Хатакеяманинг фикр билдиришича, жорий операциялар бўйича эркин валюта айирбошланганининг жорий этилиши ва самарали йўлга қўйилгани мамлакат ташқи савдо айланмаси ва умуман, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Н.Хатакеяма Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси бошқарилмаётган мамлакатларга жуда қўл келиши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати муҳокамаси чоғида семинар иштирокчилари бу соҳада улкан салоҳият мавжуд эканини қайд этдилар. Шунингдек, тадбирда мана шундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга ва уларда япон томонидан иштирокчилар сафини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

"Жаҳон" АА
Токио

Тошкент шаҳридаги ихтисослашган савдо дўконидан «Самсунг» русумли кондиционерлар харид қилган уч нафар тадбиркор буюмларга тегишли ҳужжатларни олишни унутган эди. Шу сабабли боғжона маскани ходимлари бу молларни мусодара қилиш тўғрисида маъмурий иш кўзгатиб, судга оширди.

Тадбиркор ва ҳуқуқ

СУА ИШБИЛАРМОННИ ЁҚЛАДИ

Лекин жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судида тадбиркорлар Ж.Гафоров, Б.Раҳимов ва О.Каримовга нисбатан кўзгатилган маъмурий иш уларнинг фойдасига ҳал этилди. Суд жараёнида буюмлар ҳақиқатан ҳам махсус савдо дўконидан харид қилинган, тадбиркорлар томонидан қонунбузарлик содир этилмагани аниқланди ва молларни эгаларига қайтариш тўғрисида қарор чиқарилди.

— Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни яхшилаш тўғрисида бир қатор қарор ва фармонлари эълон қилингандан сўнг судлар томонидан уларнинг ҳуқуқий, мулкий манфаатларини ёқлашга эътибор яна-

да кучайди, — дейди Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раисининг ёрдამчиси Ш.Худоев.

Форишлик тадбиркорлар П.Каримов ва К.Жўраеванин умувий қиймати 12 миллион 800 минг сўмликдан зиёд импорт товарларни давлат фойдасига мусодара қилиш бўйича маъмурий иш кўзгатилиб, судга оширилган эди.

Бу ишни Президентимизнинг тегишли қарор ва фармонлари рўҳидан келиб чиққан ҳолда ўрганган Фориш туман суди буюмларни ўз эгаларига қайтариш, уларга етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисида қарор чиқарди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!!!

Давлат Мулки Кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAHT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 октябрь ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 ноябрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларига тақлиф этди

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйдаги ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқлари кўйилади

Объект манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Қуриладиган мажмуа тури
Учтепа тумани		
Лутғий кўчасида 0,04га.	4 977 900	Савдо дўкони
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,028га.	2 532 920	
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,043га.	3 457 520	
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,0245га.	2 317 180	
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 0,0305га.	2 687 020	
Ширин кўчаси, 24-мавзесида 2 га ҳар бири 0,037га дан	3 087 680	
Х.Турсунқулوف кўчасида тўртта ҳар бири 0,015га дан	3 525 300	Савдо растаси
Х.Турсунқулوف кўчаси, 15-17-уйлар оралиғида 0,05 га.	5 598 018	Минимаркет
Х.Турсунқулوف кўчасида, 0,05 га.	5 705 634	Супермаркет
25-мавзела, 0,04 га.	4 594 068	Супермаркет
Лутғий кўчасида, 0,07 га.	7 171 218	2-қаватли савдо расталари
24-мавзела, 0,22 га.	20 919 468	Гузар мажмуаси
Сегизбоев кўчаси: - 39-уй ёнида, 0,04 га.	5 080 668	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси
- 36-уй ёнида, 0,04 га.	3 380 668	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси
- 36-уй ёнида, 0,03 га.	3 955 068	маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
23-мавзела, 0,06га.	7 907 268	
11-мавзела, 0,03га.	3 444 768	маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Заргарлик кўчаси: -0,02 га дан иккита -0,045 га.	Ҳар бири 2 967 768 2 876 101	Минимаркет ва савдо мажмуаси
Бектемир тумани		
Соловьёв кўчасида - иккита, ҳар бири 0,02 га дан	4 074 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Х.Бойқаров кўчасида, 0,02 га.	30 754 268	Автомобиллар юмни шохобчаси
Лойиҳадати Г-40,0 м (Ж.Астанов) кўчасида, 0,40 га.	100 913 468	Суолтирилган га ёниги қуйиш шохобчаси
Оҳангарон шох кўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га.	5 132 268	Савдо мажмуаси
«Сувчи» даҳасида, 0,015га.	1 733 268	Савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
«Сувчи» даҳасида - иккита, ҳар бири 0,05 га дан	4 276 890	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Тошкент Халқа йулида, 0,18 га.	13 157 468	Мотел, ресторан
Мирзо Улубек тумани		
Х.Абдуллаев кўчасида, 0,025га.	5 122 675	Дўкон
Лафаро кўчасида, 0,032 га.	3 559 640	Минимаркет
Маққобилов кўчасида: 0,044 га.	5 415 628	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
0,036 га.	4 536 108	
0,035 га.	4 424 168	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Кодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида: - 0,05 га.	4 616 768	
- 0,08 га.	6 175 548	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари
- иккита, ҳар бири 0,04 га дан	2 797 468	
- 0,04 га.	2 307 468	
- 0,07 га.	5 389 368	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари
Миробод тумани		
Тошхўжаев кўчасида, 0,02га.	2 561 600	Минимаркет
У.Олимбеков кўчасида, 0,04га.	3 509 200	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Бехтерев кўчасида, 0,045га.	3 891 000	Қаҳвахона
"Қўйлик-3" мавзесида, 0,02га.	3 432 300	
У.Олимбеков кўчасида, 0,06 га.	5 250 600	Чойхона (муҳандислик иншоотларидан масофа сақданган ҳолда мавжуд даракларнинг сақлаб қолиш шарти билан)
«Қўйлик» даҳаси, 2-мавзела, 0,20 га.	22 796 268	Тўйхона ва гузар
Бехтерев кўчасида, 0,045 га.	30 203 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва юмни мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларини қуриш шарти билан)
Манжара кўчасида, 0,0078 га.	985 435	Икки қаватли минимаркет

Юнусов тумани		
Юнусов даҳаси, 19-мавзе, В.Высоцкий кўчасида 0,04га.	5 790 800	Савдо дўкони
Юнусов даҳаси, 18-мавзе, В.Высоцкий кўчасида учта ҳар бири 0,03га дан	4 857 000	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Чимкент катта йулида 0,03га.	3 921 540	Ағелие ва дўкон
Юнусов даҳаси, 15-мавзе, Т.Замқовлов кўчасида 0,03га.	3 984 420	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Мойқурғон ва Тикланиш кўчалари кесилишида 0,03га.	2 506 470	Дўкон
Мойқурғон ва Хасанбой кўчалари кесилишида, учта ҳар бири 0,05га дан	4 215 000	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Мойқурғон ва Тикланиш кўчалари кесилишида 0,10га.	6 009 000	
А.Доғиш кўчаси, 12-мавзела, 0,02 га.	3 669 468	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий оқватланган мажмуаси
«Хасанбой» даҳаси, 2-мавзела: - 0,06 га	3 592 188	Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий оқватланган мажмуаси
- 0,04 га	3 448 668	
Мойқурғон кўчасида, 0,02 га.	2 998 348	2 қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Совбир Раҳимов тумани		
Юнусов кўчасида (банк коллежи рўнарсисла), 0,04 га	3 669 468	Икки қаватли дўкон
Қамарнисо кўчасида 0,05га.	5 592 000	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Чилонзор тумани		
Чилонзор даҳаси, 19-мавзе, 2-Қаҳортоғ кўчасида иккита ҳар бири 0,012га дан	3 374 880	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Чилонзор даҳаси, 10-мавзе, Тахтауул кўчасида 0,024га.	3 349 056	
2-мавзела, 0,015 га.	3 735 018	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш растаси
С.Юсупов кўчасида - тўртта, ҳар бири 0,018 га дан.	2 480 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
16-мавзела, 0,04	5 294 668	
1-мавзела, 0,025 га	3 006 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Шайхонтоҳур тумани		
«Жар-Ариқ» мавзесида, иккита ҳар бири 0,0105га дан	2 495 444	Савдо растаси
«Жар-Ариқ» кўчасида, саккизта ҳар бири 0,0216га дан	3 699 687	
Белтега-Жарариқ манзеларида: 0,04 га.	4 739 668	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Белтега-Жарариқ манзеларида: 0,03 га.	7 174 218	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Белтега мавзеси, ГАХИда, 0,04 га.	3 664 868	Икки қаватли савдо дўкони
Белтега мавзеси, ГАХИда, 0,06 га.	5 595 948	
«Чорсу» мавзесида, 0,02 га	5 577 268	Озик-овқат дўкони
Бенени ва Вурғун кўчалари кесилишида, 0,0684 га.	2 647 285	Савдо дўкони
Яккасарой тумани		
Чпон ота кўчаси 0,006 га	1 026 618	Дўкон
Сергели тумани		
Чоптепа кўчасида саккизта ҳар бири 0,009га дан	1 499 265	Хунариқлар растаси
Сергели даҳаси, 1-мавзесида Сергели кўч. 0,03га.	3 411 000	Кафе-ресторан
А.Аҳмадова кўчасида 0,06га.	4 491 600	Маъмурий бино ва офис
А.Аҳмадова кўчасида 0,3га.	19 230 000	Хууссий шифохона
А.Аҳмадова кўчасида 0,18га.	3 705 000	Кичик мажмуахона
Сергели кўчаси, «Сергели» даҳаси, 2-мавзела, 0,054 га.	5 012 208	Умумий оқватланган мажмуаси ва дўкон
«Қўйлик» даҳаси, 8-мавзе, Қим Пеи Ха кўчаси, 0,01 га.	2 832 268	«Фитобар» ва дўкон
Ялпи Сергели кўчаси, 0,15 га.	10 018 500	Махсуслаштирилган дўкон
«Спунтик» даҳаси, 10-мавзе, Смоленск кўчасида, 0,08 га.	4 376 268	Икки қаватли ошона ва чойхона

Ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқининг бошланғич нарҳига ер участкасини лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпلامي тайерлаш харажатлари қўшилган. Хўжатлар тўпلامي қуйидагилар кирди:

1. Ер участкасининг чегараси
2. Маъмурий-лойиҳа вазибалари АПЗ-1, АПЗ- II
3. Топографик сьема, масштаб 1:500.
4. Муҳандислик-геологик ҳулоса.
5. Шаверслик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Шунингдек, 2005 йил 28 октябрь ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 ноябрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Чилонзор тумани, Х.Дўстиғий кўчаси, 35-уйда жойлашган Давлат боғжона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасининг:

- 1993й. и/ч д/р 10AW 483 булган Доған русумли а/в. Бошланғич нарҳи 1 300 000 сўм.
- 1993й. и/ч д/р 10AW 485 булган Доған русумли а/в. Бошланғич нарҳи 1 400 000 сўм.
- 1993й. и/ч д/р 10AW 487 булган Доған русумли а/в. Бошланғич нарҳи 1 300 000 сўм.

Уз.Р. Монополиядан чиқарилган рақобат ва тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш давлат қўмитасининг 1997й. и/ч, д/р 10AW 249 булган Эсперо русумли а/в қўйилади. Бошланғич нарҳи 2 600 000 сўм.

Аукцион савдоларига қатышши учун аривазар қабул қилиш ер участкасинига савдолар бир хун аввал соат 18-00да, автотранспорт воситаларига савдолар бир соат аввал ўтказилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагани билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нарҳидан 5%, автотранспорт воситалари учун 10% миқдорда заволат қилиши «ROYTAHT AUKSION» ДАК АТБЕ «Йилотака-Банк» Шайхонтоҳур филиалининг фа 0425, СТИР 20439967, 2021000804243151001 қ/р тўлиқлайди.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16-А уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49

Спорт

МЕРГАНЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Фарғона шаҳрида уч кун давомида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг 8 вилояти ҳамда Тошкент шаҳри техник ва амалий спорт турлари марказларининг мерганлари ВП-6, ВП-4, ПП-3, ПП-2 каби йўналишлар бўйича галаба учун кураш олиб бордилар.

Ғолиблар сафига назар ташлар эканмиш, аввало Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятлари вакилларининг маҳоратларига тан бермай иложимикиш йўқ. Жумладан. ВП-4 машқида галаба 341 очко жамгарган Андижон вилоятлик спорт усталиги номзод Наталия Аксёновага насиб этган бўлса, кейинги ўринларни Самарқанд ва Фарғона вилояти вакиллари Ольга Глебова ҳамда Феруза Нуралиевалар банд этишди.

ПП-2 машқида омад 347 очко жамгарган самарқандлик спорт усталигига номзод Инна Далгушинага қулиб боқди. Учинчи ўринни ҳам шу вилоят вакили Ксения Панина эгаллаган бўлса, андижонлик Гўзал Йўлдошева кумуш нисол билан тақдирланди.

Ўсмирлар ўртасида ВП-6 машқида фарғоналиклар зафар кучишди. Дастлабки икки ўринни мезбонлар — Виктор Кузьмин ва Александр Боршунлар эгаллашди.

Нихоят ПП-3 баҳсида Александр Шуригин (Самарқанд вилояти) биринчи, Вадим Кандаков (Наманган вилояти) иккинчи, Руслан Хабибуллин (Андижон вилояти) учинчи бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти вакиллари барча тўртта машқ натижаларига кўра голиб деб топилди. Андижон ва Фарғона вилояти спортчиларига кейинги ўринлар насиб этди. Хамшаҳарларимиз баъзи машқларда қатнашмагани ҳолда бу гал 7-ўрин билан кифояланишди.

(Ўз мухбиримиз)

БУГУН "Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида 1995 йилдан буюн Марказий Осиё минтақасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ипак йўлида туризм" номида XI-Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ўз ишини бошлади. Шу муносабат билан КЕЧА мазкур ярмарканинг моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ипак йўлида туризм — 2005

САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ — ҲАМКОРЛИККА КЕНГ ИМКОНИЯТ

Айтиш жоизки, "Ипак йўлида туризми" ярмаркаси "Ўзбекитуризм" Миллий компанияси ва "Буюк ипак йўли" реклама агентлиги томонидан Хусусий туристик ташкилотлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган бўлиб, икки кун давом этади. Ва таъкидлаб ўтиш лозимки, бу йилги ярмарка Халқаро туризм кунининг 35 йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтади. Матбуот анжуманида XI-Тошкент халқаро туристик ярмаркасида олддинларидан фарқли ўлароқ Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташқари, мамлакатимизнинг барча вилоятларида фаолият юритаётган туристик ташкилотлар иштирок этиши, биринчи бор суғурта компаниялари, аксарият меҳмонхона мажмуалари, миллий ҳунармандчилик бирлашмалари ҳам қатнашиши, бу эса, шубҳасиз, ярмарканинг нуфузидан далолат эканлиги алоҳида таъкидланди. Тадбирнинг халқаро макомига келсак, унда албатта бир нечта давлатлар иштироки кутилмоқда, жумладан Испания, Кипр, Хиндистон, Индонезия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Украина, Озарбойжон ҳам ярмаркада ўз туристик имкониятлари

ни намойён этади. Ярмарка доирасида экскурсовод — таништирувчилар учун чоп этилган "Ўзбекистон" маълумотномаси, "Ўзбекитуризм" Миллий компаниясининг веб-сайти, "Ўзбекистонда туризм" журнали ҳамда мамлакатимизнинг экологик йўналишлари — миллий қўриқхоналар, йилрик соғломлаштириш ва дам олиш зоналарининг тақдироти ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ярмаркада мамлакатимиз бой маданий мероси — ўзбек хунарамандчилигининг асл намуналари, миллий газламалар асосида яратилган замонавий либослар шоукўргазмаси бўлиб ўтади.

"Буюк ипак йўли" реклама агентлиги ва Хусусий туристик ташкилотлар уюшмаси томонидан йил якуни бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, мамлакатимиз туристик салоҳиятини тарғиб этиш йўлида фаоллик қўрсатган соҳа ходимлари ҳамда фирма-компаниялар бир нечта йўналиш — "Қабул қилиш бўйича энг яхши тўроператор", "Жўнайтиш бўйича энг яхши тўроператор", "Энг яхши туристик ташкилот раҳбари", "Энг яхши отель", "Энг яхши хусусий меҳмонхоналар тармоғи", "Мавсум етакчиси" —

"Энг яхши стенд", "Фаол хорижий иштироки" номиницалар бўйича ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланади.

Бу йил ўтказилаётган ярмарка дастури кенг қамровли бўлиб, унда туризмнинг ривожланишида оммавий ахборот воситалари, Интернет ва рекламанинг аҳамияти, туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича республика ўқув юртларининг вазифалари хусусида давра суҳбатлари ҳамда "Экотуризм ва барқарор ривожланиш" конференциясини ташкиллаштириш режалаштирилмоқда.

Ярмарка қатнашчилари учун, айнаниса хорижий туристик компания ва фирмалар вакиллари Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари билан яқиндан таништириш мақсадида Самарқанд шаҳри ҳамда Белдирбўй дам олиш худуди бўйлаб саёҳат дастури амалга оширилади.

Хўш, ярмаркадан қандай мақсад кўзланмоқда ва у нечоғлик самарали кечади? Бу ҳақда ташкилотчилар 30 сентябрь кун "Ўзбекитуризм" Миллий компаниясида бўлиб ўтаётган матбуот анжуманида ҳисобот берадилар.

Шахноза ҚУДРАТХУҲАЕВА.

Ўқитиб

ШАҲРИМИЗ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 20- тур беллашувларида шахримиз жамоалари ўз мухлислари кўнглини шод этишди.

Ушбу турнинг марказий учрашуви ҳисобланган «Пахтакор» — «Насаф» баҳси қизиқарли ҳамда шиддатли курашларга бой кечди. Аввало шуни айтиш жоизки, ҳар иккала жамоа чемпионликка даъвогар эканлиги боис мутахассислар мухлислар ушбу ўйиннинг муросасиз ўтишини тахмин қилишганди. Дарвоқе, биринчи даврада Қаршида «Пахтакор» чилар «Насаф» жамоасидан енгилганлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Хуллас, учрашув бошланди. Аммо тажриба ва маҳорат ўз сўзини айтди. Тўп билан муомала қилишда, тўпни майдонга узок ушлаб туришда, жамоадорига аниқ узатишда ва рақиб дарвозасига ҳавфли ҳужумлар уюштиришда мезбонлар устунлик қилишди. 90 дақиқа давомида Солиев ва Жепаров томонидан киритилган 2 та гол «Пахтакор»га 2:0 ҳисобиди муҳим галабани тўхфа этди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида «Самарқанд-Динамо» жамоасига қарши тўп сурган «Трактор» футболчилари ҳам мухлисларига 1:0 ҳисобиди галабани ҳада қилишди. Ўз майдонида «Навбахор» жамоасига қарши ўйнаган «Локомотив» аъзолари ҳам галаба иштиёқида ҳужумкор ўйин намойиш этган бўлсаларда мазкур баҳс 1:1 ҳисобида якунланди.

Қолган беллашувларда куйидаги натижалар қайд қилинди: «Бухоро» — «Сўғдиёна»-1:0, «Тўпаланг» — «Қизилқум»-2:1, «Металлург» — «Машъал»-0:2, «Шўртан» — «Нефтчи»-3:1.

Ўзбекистон XIV миллий биринчилигининг кейинги тур учрашувлари 29,30 сентябрь ҳамда 1 октябрь кунлари ўтказилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ЭҲТИЁТКОРЛИК БИЛАН ИШ ТУТИНГ

28 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Меркурий сайёраси қувватининг тугаб бораётган Ой қуввати билан Тарозу буржининг 14- даражасида бирлашиши кўпчилик кишиларга "тайм-аут" олиб, яъни бир қадар дам олиб, яқиндан бери тўплаган маълумотларни магзини чақишлари кераклигига ишора қилади. Ҳозир куруқ ёд олиш ёки тушуниб бўлмайдиган мати устида унинг маъноси тубга етишга уриниб, бош қотиришдан фойда йўқ.

Ўз ақлу заковатингизга суяниб, ўзингизни эркин қўйиб, бўлиб ўтган воқеаларни мушоҳада қилинг. Зеро, улар сизнинг янги азму қарорларингиз учун пойдевор бўлади, холос. Ойнинг ҳозирги ҳолати воқеа -ҳодисаларнинг афзал жиҳатларига диққатни жамлашга даъват этади.

Бугун муҳим тадбирларни ўтказишдан тийилиб турганингиз маъқул. Электр қуввати, автомобиль ва рўзгор техникаси билан муомалада эҳтиёт бўлинг. Ҳар қандай қўл меҳнати, уйлари супуриб-сидириб тозалаш, мураккаб мантйиб масалаларни ечиш самарали бўлади. Ортиқча маҳмаданалиқдан ва куч-қувватингизни беҳуда сарфлашдан тийилинг.

Бугун сув билан боғлиқ ҳамма нарса — қайиқда сузиш, кўприк устидан ўтиш, балиқ овлаш хайрли бўлади. Кийимнинг йиртилши, мунчоқларнинг сочилиб кетиши ва майда-чуйда носозликлар

нохушлик аломатлари ҳисобланади. Устингиздан сув қуйиб юборишса — сизга кўмак ва ҳимоя келишидан дарақдир. Бу кеча умуман туш кўрматан маъқул — кўпчилик тушлар кимнингдир умри тугаётгани ёки хасталикка учрашидан хабар беради. Тушда ҳашаротларни кўриш ҳам нохушлик аломати ҳисобланади.

Бугун танага енгиллик беришга ҳаракат қилинадиган кун. Малина, қулупнай мурабболари ёки компотлари ва турли шарбатлар шу куннинг энг матул таомлари бўлади. Ҳаммом қилиш, укалатиш, терини тозалаш муолажалари фойдали бўлишини ёдингизда тутинг. Ичаклар, қораталоқ хасталикларни ҳурух қилиши эҳтимоли бор. Сарик, яшил ва қизил рангли кийим-кечакларга устуворлик берсангиз ютказмайсиз. Қора ва кўк тусли либослардан бугунча узокроқ бўлинг.

ЧОРШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:
— иложи борича ҳар қандай ишдан, ташвишдан дам олиш;
— биринчи навбатда ўз хотиржамлигингизни ўйлаш;
— ижодий изланишлар ва тор маънодаги шахсий юмушларингиз билан банд бўлиш;
— кунни ўзингизга ёққан тарз ва тартибда ўтказиш;
— ташқи кўринишингиз ва саломатлигингиз хусусида қайғуришингиз;
— ўзингизни хурсанд қилиш мақсадида озроқ пул сарфлаш тавсия этилади.

Янги ишга қўл уриш, кўп ишлаб ҳориб-чарчаш, тананинг ортиқча совиб кетишига йўл қўйиш, саломатлигингиз ёмонлашганда табиёт хизматидан юз ўгиришдан эҳтиёт бўлинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪБОНЛАР

Қўшлаймиз!

Азиз опаҷоним Сайёра Нафасова!!!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман. Бахтимга соғомон бўлинг. Ҳурмат ва эҳтиром билан синглингиз НИГОРА.

Ҳўжалик ритулувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақда шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 132-11-39;
факс — (3712) 133-21-56.

Ҳама — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
2496 нусxada босилди. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот боқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрига етказиб бериш маъсалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.